



PROBLEMS AND SOLUTIONS IN DETERMINING THE PROCEDURAL STATUS OF MENTALLY ILL PERSONS IN CRIMINAL PROCEEDINGS

Khodzhabayeva Nargiza Isakovna
PhD, Teacher of the Law Enforcement Academy

Abstract

This article analyzes the legal status of individuals with mental illness in criminal proceedings, examining some gaps in current legislation and their negative consequences. The author substantiates the need to introduce a special procedural status for such individuals.

Keywords: Procedural status, mental illness, suspect, accused, legal guarantee.

Introduction

РУҲИЙ КАСАЛ ШАХСЛАРНИНГ ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДАГИ ПРОЦЕССУАЛ МАҚОМИНИ БЕЛГИЛАШДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Ходжабаева Наргиза Исаковна
PhD, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада руҳий касал шахсларнинг жиноят процессидаги ҳуқуқий мақоми таҳлил қилиниб, амалдаги қонунчиликдаги ноаниқликлар ва уларнинг салбий оқибатлари кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан мазкур шахслар учун алоҳида процессуал статус жорий этиш зарурати асосланган.

Калит сўзлар: процессуал мақом, руҳий касаллик, гумонланувчи, айбланувчи, ҳуқуқий кафолат



Аннотация

В статье анализируется правовой статус лиц с психическими заболеваниями в уголовном судопроизводстве, рассматриваются некоторые пробелы действующего законодательства и их негативные последствия. Автор обосновывает необходимость введения особого процессуального статуса для таких лиц.

Ключевые слова: процессуальный статус, психическое заболевание, подозреваемый, обвиняемый, правовая гарантия.

Кириш

Жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш адолатли судловнинг асосий шарти ҳисобланади. Аммо руҳий касал шахсларга нисбатан бу масала амалиётда етарлича аниқ тартибга солинмаган.

Ҳуқуқ назариясида субъектив ҳуқуқлар, процессуал мажбуриятлар билан бир қаторда, шахснинг умумий ҳуқуқий мақомининг ва жиноят процессидаги ҳар қандай иштирокчининг индивидуал мақомининг энг муҳим таркибий қисмини ташкил қилади. Қонунда мустаҳкамланган субъектив ҳуқуқлар ҳам шахснинг, ҳам умуман олганда, давлатнинг ҳам эҳтиёжлари ва манфаатларини акс эттиради. Жиноят процессида бу ҳолат давлат томонидан руҳсат берилган ва қонун билан қафолатланган мақбул хатти-ҳаракатларни белгилаш орқали иштирокчиларнинг фаолиятига таъсир қилади.

Амалдаги қонунчилик таҳлили

Жиноят-процессуал қонунчиликда руҳий ҳолати бузилган шахснинг аниқ процессуал мақоми белгиланмаган.

А.П. Колмаков, ҳоҳ соғлом шахс бўлсин, ҳоҳ касал, инсон ҳуқуқлари жамиятнинг энг олий қадрияти эканлигини ва уларни ҳимоя қилиш ҳар қандай демократик давлатнинг асосий вазифаси эканлигини таъкидлайди¹. Бироқ, Жиноят-процессуал кодекснинг (ЖПК) 5-боби, "Жиноят процессида

¹ Колмаков П. А. Об основаниях появления нового участника уголовного судопроизводства// Уголовное право. 2004. № 3. – С.87-89.



ўз манфаатларини химоя қиладиган шахслар. химоячилар ва вакиллар" ва ЖПКнинг 31-боби "Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш", ЖПКнинг 61-боби "Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш", тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ иш бўйича шахснинг алоҳида процессуал мақоми ва субъектив ҳуқуқларини тартибга солувчи алоҳида нормалар йиғиндиси ҳанузгача мавжуд эмас².

Қайд этиш лозимки, айрим муаллифлар томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги иш юритилаётган шахснинг процессуал мақоми ва субъектив ҳуқуқларини қонуний мустаҳкамлаш ва жиноят-процессуал кодексига жиноят процессининг барча иштирокчилари учун тушунарли бўлган аниқ таърифини киритиш зарурати билдирилган эди. Жумладан, "Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларни қўллаш тўғрисидаги иш юритилаётган шахснинг ҳуқуқлари" номли моддани киритиш таклиф қилинган эди³. Россия Федерациясида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги иш юритилаётган шахснинг ҳуқуқий мақоми муаммоси хаттоки РФ Конституциявий суди томонидан кўриб чиқилган. РФ Конституциявий судининг 20.11.2007 йилдаги 13-П-сонли қарорида РФ Жиноят-процессуал кодекси 51-бобидаги, жиноят қонунчилиги билан тақиқланган қилмишни содир этган шахснинг дастлабки тергов ва суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқларини чеклайдиган бир қатор қоидалари Конституцияга зид деб топилган⁴.

Шундай қилиб, кўриб чиқилаётган жиноят процесси иштирокчиси унинг ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида процессуал мақомга эга бўлиши шарт. Жиноят процессининг ушбу махсус иштирокчисига унинг ҳуқуқий мақомига мос келадиган махсус процессуал ҳуқуқларни бериш зарурати қуйидагилар билан тасдиқланади:

1) кўриб чиқилаётган шахс ишда ўзининг қонуний манфаатига эга бўлган суд процессининг тўлақонли иштирокчиси ҳисобланади. Маълумки, жиноят

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 2-сон, 5-модда

³ Юридический вестник. 1995. № 31.

⁴ По делу о проверке конституционности ряда положений статей 402, 433, 437, 438, 439, 441, 444 и 445 Уголовно-процессуального кодекса Российской Федерации в связи с жалобами граждан С.Г. Абламского, О.Б. Лобашовой и В.К. Матвеева: Постановление Конституционного Суда РФ от 20.11.2007 г. № 13-П// Российская газета. 2007. 28 ноября.



процессининг барча иштирокчилари, ҳуқуқий мақомидан қатъи назар, субъектив ҳуқуқларга эга;

2) жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишни содир этиш пайтида шахсда руҳий касаллик факти мавжудлиги аниқланган пайтдан бошлаб, суд тегишли қарор чиқаргунга қадар, агар қонуннинг ўзида унга тақдим этилган ҳуқуқий ҳаракатлар мажмуи белгиланмаса, бу шахс ўзининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятидан амалда маҳрум бўлади;

3) агар жиноят процессуал ҳуқуқлар қонун чиқарувчи орган томонидан белгиланмаган бўлса, ушбу ҳуқуқларининг кафолатлари ҳақида гапириш ҳам мумкин эмас;

4) Муайян субъектив ҳуқуқларни белгилаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун, қонун чиқарувчи жиноят процессида ушбу шахсга рухсат этилган ҳулқ-атвор ва ҳаракат қилиш йўналишини тушунишда аниқликни таъминлайди, бу эса ўз навбатида терговчи, прокурор ва судни уларга қатъий ва пухта риоя қилиш ҳамда уларни амалга ошириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга мажбур қилади.

Муаммо - улар гумонланувчи сифатида иштирок этади, лекин жавобгарлик лаёқати мавжуд эмас.

Натижа - ҳуқуқий зиддият юзага келади

Амалиётдаги ёндашувлар

Ўз навбатида, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахсларнинг ҳуқуқлари гумон қилинувчи ёки айбланувчи (судланувчи) ҳуқуқларига нисбатан чекланиши мумкин эмаслигини ҳам ҳисобга олиш керак. Бироқ, гумон қилинувчининг (судланувчининг) ҳуқуқларини ушбу шахсларга нисбатан автоматик равишда тенглаштириш ҳам ножоиз, чунки улар айбланувчи ҳам, судланувчи ҳам ҳисобланмайди, улар умуман бошқа процессуал ва ҳуқуқий мақомга эга⁵. Шунинг учун, бу масала эҳтиёткорлик ва мувозанатли кўриб чиқишни талаб қилади.

⁵ Колмаков П. А. Об основаниях появления нового участника уголовного судопроизводства// Уголовное право. 2004. № 3. – С.69-75.



Жиноят-процессуал қонунчилик кўриб чиқиладиган жиноят процесси иштирокчисининг муомала лаёқатини тўғридан-тўғри чекламайди, шунингдек, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний вакил ёки ҳимоячи орқали ҳимоя қилишига тўсқинлик қилмайди (ЖПКнинг 51-моддаси, 267, 571-моддалари). Агар руҳий касалликнинг табиати шахснинг тергов ҳаракатларида ва суд жараёнларида иштирок этишига тўсқинлик қилмаса, бизнинг фикримизча, ушбу шахслар муайян процессуал ҳаракатларни бажариш орқали жиноят процесси иштирокчиси сифатида ўз ҳуқуқларини мустақил равишда амалга оширишлари мумкин.

Гарчи тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жазо бўлмаса ҳам, улар даволашда мажбурлов қўлланиши орқали шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини сезиларли даражада чеклайди. Инсон ҳуқуқлари кафолатлари даражаси ва уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари сифатида қонунда акс эттирилиши тўлиқлиги жамиятда ва давлатда демократия, гуманизм ва шахс эркинлиги даражасини тавсифлайди.

РФ Конституциявий судининг юқоридаги қарорида таъкидланганидек, ушбу шахслар ўзларининг қонуний вакиллари ва ҳимоячилари билан биргаликда иш материаллари билан танишиш, суд мажлисларида иштирок этиш, илтимоснома бериш, мажбурий тиббий чораларни ўзгартириш ва бекор қилиш тўғрисида илтимоснома киритиш ва процессуал қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Бироқ, ушбу қарорда тегишли шахсларнинг тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун жиноят ишини судга юбориш тўғрисидаги терговчининг қарори нусхасини олиш ҳуқуқи аниқланмаган. Бизнинг фикримизча, уларга терговчи томонидан берилган процессуал ҳужжатларни шахсан олиш ҳуқуқи берилиши керак.

Тергов органлари ва суд шахснинг процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг ҳақиқий қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, касаллигига қарамай, ушбу қобилиятни сақлаб қолганлар ва руҳий ҳолати туфайли ўз ҳуқуқларини мустақил равишда ҳимоя қила олмайдиган шахсларни фарқлашлари ва инобатга олишлари шарт.

Агар шахснинг мавжуд руҳий касаллиги унинг процессуал ҳуқуқларини мустақил равишда амалга оширишига тўсқинлик қилмаса, унга суд жараёнининг барча босқичларида иштирок этиш имконияти берилиши

керак. Судья шахсинг рухий ҳолатини шахсан текшириш ва адолатли қарор қабул қилиш учун шахсинг суд мажлисида иштирок этиши жуда муҳимдир. Ишни шахсинг йўқлигида, унинг хоҳишига қарши, кўриб чиқишга фақат алоҳида ҳолатларда, масалан, тажовузкор ҳуққ-атвор белгилари мавжуд бўлганда ёки шахсинг жисмоний ёки рухий ҳолати судга етиб келишига тўсқинлик қилганда, йўл қўйилади.

Шу ерда Жиноят-процессуал кодексининг 61-бобида⁶ тартибга солинган процессуал тартибда иш юритиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш муҳим. Жумладан, назаримизда, дастлабки тергов босқичида одатий процессуал тартиботдан алоҳида процесс турига ўтишни диққат билан тартибга солиш мақсадга мувофиқ, чунки бундай ўтиш, Мищенко Е. В., Погорельский А. А. тўғри таъкидлаганидек, гумон қилинувчи (айбланувчи) шахсининг жараёндан "чиқиб кетиши" ва жиноят-процессуал муносабатларнинг мустақил махсус субъектининг пайдо бўлишини англатади⁷.

Шу муносабат билан, айрим олимлар, бундай ҳолатда фақат суриштирувчи, терговчи томонидан чиқарилган алоҳида ҳуқуқни қўллаш ҳужжати асосида амалга оширилиши кераклиги, яъни мажбурий йўсиндаги тиббий чорани қўллаш бўйича иш қўзғатиш тўғрисида қарор бўлиши кераклигини асосли равишда таъкидлайдилар. Бундай процессуал ҳужжатнинг чиқарилиши натижасида тегишли шахсинг процессуал мақоми ўзгариши ва ваколатли шахсинг зиммасига унинг қонуний вакилини, шунингдек, агар илгари ишда иштирок этмаган бўлса, унинг ҳимоячисини ишда иштирок этишини таъминлаш юкланади. Бундай ҳуқуқни қўллаш ҳужжатини чиқариш мажбурияти тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий қонданинг ҳозирги вақтда йўқлиги шахсга махсус мақом бериш ва ушбу шахсга махсус иш юритишни амалга оширишни бошлаш вақти борасида ноаниқликларни келтириб чиқаради⁸.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111453>

⁷ Мищенко Е. В., Погорельский А. А. Производство о применении принудительных мер медицинского характера: проблемы регламентации процесса доказывания // Журнал российского права. 2022. № 8. С. 93–107.

⁸ Лесная Л. И. Некоторые проблемы производства по делам о применении принудительных мер медицинского характера / Л. И. Лесная. Текст: непосредственный // Молодой ученый. 2018. № 49 (235). С. 145–147. URL: <https://moluch.ru/archive/235/54447/> (дата обращения: 03.03.2026).

Демак, айтиш мумкинки, тергов ва суд амалиётида турлича ёндашувлар мавжуд:

- баъзи ҳолларда — айбланувчи сифатида
- бошқа ҳолларда — “шартли иштирокчи”

Бу эса ҳуқуқий ноаниқликни кучайтиради.

Бироқ, жиноят процесси иштирокчисининг, шу жумладан, кўриб чиқиладиган шахснинг қонуний манфаатларини фақат жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлар ва ушбу ҳуқуқларни ҳақиқатда амалга ошириш имкониятига келтириб бўлмайди. Қонун билан ҳимояланган манфаат ҳар доим ҳам субъектив ҳуқуқни ташкил этавермайди. Манфаат ва субъектив ҳуқуқ бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, лекин ҳар доим ҳам бир-бирига мос келмайди. Бизнинг фикримизча, манфаат кенгроқ тушунчадир, чунки бирон бир манфаатни кўзламайдиган субъектив ҳуқуқ йўқ, лекин ҳар бир манфаат ҳам қонунда намоён бўлмайди ва қонун билан ҳимоя қилинмайди. Шунинг учун биз профессор Д.М. Чечотнинг субъектив ҳуқуқ ижтимоий манфаатларни қондиришнинг асосий, аммо ягона ҳуқуқий воситаси эмаслиги ҳақидаги фикрига⁹ қўшилаемиз.

Айни чоғда, маълум бир ҳуқуқий ҳужжатда бевосита мустаҳкамланмаган, қонун билан тақиқланмаган ёки унга зид келмайдиган айрим шахсий манфаатлар ҳам ҳуқуқий ҳимояга муҳтожлигини таъкидлаш керак¹⁰ (2, 78-79-бетлар). Ф. Багаутдинов ҳақли равишда таъкидлаганидек, бундай манфаатларни Жиноят-процессуал кодекснинг турли моддаларини (жумладан, жиноят-процессуал кодекснинг мақсади, тамойиллари, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва бошқалар), шунингдек ЖК Умумий қисмининг айрим моддалари мазмунини таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин¹¹.

Юқорида айтилганлар бизга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ иш юритиш бўйича шахснинг қонуний манфаатлари қуйидагилардан иборат деган хулосага келишга имкон беради:

⁹ Чечот Д. М. Субъективное право и формы его защиты. Л., 1968. – С.33.

¹⁰ Кокорев Л. Д. Очерк развития науки советского уголовного процесса. Воронеж, 1980. – С.78-79.

¹¹ Багаутдинов Ф. Категория интереса в уголовном судопроизводстве // Уголовное право. 2003. № 2. – С.92.



у (шахс) фақатгина қонунда белгиланган асосларда ва тартибда жиноят-процессуал мажбурловга тортилиши ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни ўз зиммасига олиши;

тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун асослар бўлмаган тақдирда иш тугатилиши;

тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ушбу шахс томонидан жиноят қонуни билан тақиқланган қилмиш содир этилганлиги факти қонунда белгиланган тартибда шубҳасиз исбот қилинган тақдирдагина қўлланилиши;

шахснинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш, унда рухий касаллиги (рухий бузилиш) ҳолати фактларга тўлиқ мос келиши ва тегишли турдаги мажбурий даволашни қўллаш тўғрисидаги қарор касаллик (бузилиш) талабларига мос бўлиши;

қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, ушбу шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурий чораларни қўллашдан озод қилувчи ҳолатлар суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан эътиборсиз қолдирилмаслиги;

рухий касалликнинг оғирлиги ва ривожланишига мос равишда тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш, ўзгартириш ёки узайтириш, шунингдек, уни бекор қилиш, ўзгартириш ёки узайтиришни рад этиш масаласи қонунга мувофиқ тўғри ва асосли экспертиза хулосаси бўйича ҳал қилиниши.

Ижтимоий хавfli қилмишни содир этган, рухий касалликка чалинган шахснинг процесс иштирокчиси сифатида пайдо бўлиши, қонун билан кафолатланган субъектив ҳуқуқлар ва шахсий эркинликлардан фойдаланиш ҳуқуқини автоматик равишда келтириб чиқариши шарт. Жиноий-процессуал муносабатларни ҳуқуқий тартибини ўрнатмасдан туриб, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласини объектив равишда ҳал қилиш мумкин эмас.

Таклиф

Юқоридагилар бизга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги иш юритилаётган шахснинг жиноят-процессуал ҳуқуқларини ЖПК 5-боби (Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган



шахслар. ҳимоячилар ва вакиллар)да қуйидаги таҳрирдаги “Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахс” номли 48¹-модда ва “Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” номли 48²-моддани киритиш орқали қонуний равишда мустаҳкамлаш мумкин деган хулосага келишга имкон беради:

48¹-модда. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахс

Жиноят кодексининг 92-моддасида кўрсатилган асосларга кўра, ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбулов чоралари қўллаш зарурати пайдо бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор шахсни тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахс тариқасида эътироф этиш тўғрисида қарор чиқаради. Қарорнинг нусхалари тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилиги белгиланган шахсга, унинг қонуний вакилига ва ҳимоячисига тақдим қилинади.

48²-модда. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг қандай ижтимоий ҳавфли қилмишни содир этганликда гумон қилинаётганлигини билиш; ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан бепул фойдаланиш; ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи ва прокурор ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; ўзи иштирок этган тергов ва суд ҳаракатлари баённомалари билан танишиш ва уларга эътироз билдириш, экспертиза тайинланганлиги ҳақидаги қарор ва экспертиза хулосалари билан танишиш, суриштирув ёки дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ҳамда ундан зарур маълумотларни



ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз хисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; жиноят ишининг суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан тугатилганлиги ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш учун судга илтимоснома юборилганлиги ҳақидаги қарор нусхасини олиш, суд муҳокамасида далилларни кўриб чиқишда ва суд музокараларида иштирок этиш, суд таркибини рад этиш, суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ҳамда у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; суд қарорлари устидан шикоятлар бериш, иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация ва тафтиш шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш, уларни кўриб чиқишда иштирок этиш, ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай бошқа усул ва воситалар билан ҳимоялаш.

Ишда тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш бўйича иш юритилаётган шахсининг ҳимоячиси ва қонуний вакили иштирок этиши, унинг бирон ҳуқуқини чеклаш учун асос бўлмайди, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар шахс руҳий ҳолати туфайли суриштирув, дастлабки терговда ёки суд муҳокамасида шахсан иштирок эта олмаса, терговчи, прокурор ёки суд томонидан бу ҳақда асосли қарор қабул қилинади ва қарор нусхаси шахсининг ўзига, унинг қонуний вакилига ва ҳимоячисига тақдим этилади.

Хулоса

Руҳий касал шахсларнинг процессуал мақомини аниқ белгилаш жиноят процессида адолатни таъминлашнинг муҳим шarti ҳисобланади. Шу боис қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиш зарур.

Фойдаланилган адабиёт.

1. Багаутдинов Ф. Категория интереса в уголовном судопроизводстве // Уголовное право. 2003. № 2.
2. Кокорев Л. Д. Очерк развития науки советского уголовного процесса. Воронеж, 1980.
3. Колмаков П. А. Об основаниях появления нового участника уголовного судопроизводства// Уголовное право. 2004. № 3.



4. По делу о проверке конституционности ряда положений статей 402, 433, 437, 438, 439, 441, 444 и 445 Уголовно-процессуального кодекса Российской Федерации в связи с жалобами граждан С.Г. Абламского, О.Б. Лобашовой и В.К. Матвеева: Постановление Конституционного Суда РФ от 20.11.2007 г. № 13-П// Российская газета. 2007. 28 ноября.
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/111453>
6. Мищенко Е. В., Погорельский А. А. Производство о применении принудительных мер медицинского характера: проблемы регламентации процесса доказывания //Журнал российского права. 2022. № 8. С. 93–107.
7. Лесная Л. И. Некоторые проблемы производства по делам о применении принудительных мер медицинского характера / Л. И. Лесная. Текст: непосредственный // Молодой ученый. 2018. № 49 (235). С. 145–147. URL: [https:// moluch.ru/archive/235/54447/](https://moluch.ru/archive/235/54447/) (дата обращения: 03.03.2026).
8. Чечот Д. М. Субъективное право и формы его защиты. Л., 1968.
9. Юридический вестник. 1995. № 31.